

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ШУКУРУЛЛАЕВ БОТИР АМАНБОЕВИЧ**

**НЕФТ ҚУЙҚАЛАРИДАН ЙЎЛЛАРНИНГ АСОСИ УЧУН  
БОҒЛОВЧИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.11 – коллоид ва мембрана кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Шукуруллаев Ботир Аманбоевич**

Нефт куйкаларидан йўлларнинг асоси учун боғловчи

олиш технологияси .....3

**Шукуруллаев Ботир Аманбоевич**

Технология получения связующего для основания

дорог из нефтешлама.....23

**Shukurullayev Botir Amanboyevich**

The technology of obtaining a binder for the foundation of roads

from oil sludge .....42

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works.....45**

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ШУКУРУЛЛАЕВ БОТИР АМАНБОЕВИЧ**

**НЕФТ ҚУЙҚАЛАРИДАН ЙЎЛЛАРНИНГ АСОСИ УЧУН БОҒЛОВЧИ  
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.11 – коллоид ва мембрана кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/T499 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.ionx.uz](http://www.ionx.uz) va «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Юсунов Фарход Маҳкамович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хамидов Босит Набиевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Исматов Дилмурод Нуруллаевич**  
техника фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона политехника институти**

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «13» март соат 10<sup>00</sup> да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси 77-а Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90, e-mail: [ionxanruz@nuu.uz](mailto:ionxanruz@nuu.uz)).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси 77-а Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90.

Диссертация автореферати 2020 йил «2» март куни тарқатилди.  
(2020 йил 2 мартдаги №1 рақамли реестр баённомаси)



**Б.С.Закиров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

**Д.С.Салиханова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

**С.А.Абдурахимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё бўйича қолдиқ нефт маҳсулотларидан йўлларнинг асоси учун экологик тоза ва барқарор кўрсаткичларга эга боғловчи моддалар олишга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ошиб бормоқда. Уларни талаб даражасида олишда нефт куйқаларини қайта ишлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Улар мустаҳкам қовушқоқлик ва ёпишқоқ хусусиятлари юқорилиги сабабли боғловчи сифатида кенг қўлланилади. Шу сабабли маҳаллий нефт куйқаларидан иқтисодий самарадор адгезив боғловчи олиш ва уни ишлаб чиқариш ва амалиётга қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда дунёда асфальт йўллари асоси учун боғловчиларнинг тузилиши ва физик-кимёвий хусусияти бўйича нефт куйқаларидан олишда куйидаги илмий ечимларни асослаш, жумладан: боғловчиларни олишда мос келувчи маҳаллий хом ашёларни танлаб олиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва энергия ресурслари сарфини камайтириш; юқори сифат кўрсаткичларига эга бўлган боғловчи олишнинг технологик жараёнларини ишлаб чиқиш, олинган боғловчи моддаларни коллоид кимёвий қонуниятлар асосида реологик хусусиятларини аниқлаш зарур.

Республикамизда маҳаллий нефт хом ашёлари ва иккиламчи ресурслари асосида коллоид-кимёвий хоссалари яхшиланган йўлларнинг асосида адгезив боғловчи олиш технологиясини яратиш ва қўллаш борасида илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «... юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқисга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диферсификация қилиш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан нефтни қайта ишлаб янги боғловчиларни олиш ва уларни йўл қурилишига ишлатишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 декабрдаги №ПҚ-2698-сон «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини янада кучайтириш тўғрисида»ги, 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2915-сон «Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони

ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши, реализацияни назорат қилиш инспекцияси фаолиятининг ҳуқуқий асослари» тўғрисидаги қарорлари ва фармони мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишини устувор йўналишларга боғлиқлиги.** Мазкур илмий тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Нефт ва нефт маҳсулотларининг қайта ишлаш натижасида ҳосил бўладиган нефт қуйқасини таркибини, физик кимёвий хоссасини ўрганиш асосида халқ хўжалиги тармоқларида ишлатиш учун иккиламчи хом ашё ва янги боғловчилик хоссасига эга бўлган моддалар олиш технологиясини яратиш борасида бир қанча илмий изланишлар олиб борилган.

Хорижий олимлардан қатор олимлардан С.А. Багатуров, О.Ф. Глаголева, В.М. Капустин, А.К. Мановян, С.В. Машеряков, Е.А. Мазлова, О.И. Ручконова, Т.Д. Ланина, Г.Г. Ягафарова, В.Д. Рябов ва бошқалар нефт қуйқаларидан асфальт йўлларининг асоси учун боғловчи моддалар олиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борган.

Хусусан Ўзбекистонда ЎЗР ФА Умумий ва ноорганик кимё институтининг “Кимёвий технология ва сирт фаол моддалар” лабораторияси мудири т.ф.д., проф. Ф.М. Юсупов бошчилигида нефт қуйқаларидан йўллар учун боғловчи материаллар олиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб амалиётда қўлланилмоқда. Олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижасида кимёвий технология, нефт кимёси, нефтни қайта ишлаш технологияси ва нефт ва газни қайта ишлаш жараёнларининг назарий асосларини ўрганиш ва ривожлантириш, маҳаллий хом ашёлардан, яъни нефтни қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган нефт қуйқаларидан янги таркибли материалларни олишнинг технологиялари ва янги усуллари ишлаб чиқилган. Нефт қуйқаси асосида юқори сифатли, экологик жиҳатдан зарарсиз, иқтисодий самарали технологияларни қўллаб, асфальт йўлларини асоси учун боғловчиларни ишлаб чиқиш, яратиш ушбу илмий ишнинг мақсади ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасанинг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг «Оксидланган боғловчи ва қум шимилган нефт қуйқаларидан конлараро йўллар учун минераллаштирилган нефт аралашмасини яратиш» (2014-2018 йй.) хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий нефт қуйқаларини коллоид-кимёвий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ва уни қайта ишлаш натижасида йўллари асоси учун боғловчи олиш технологиясини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Нефт қуйқасини қайта ишлаш ва маҳаллий хом ашёлар ва саноатнинг иккиламчи маҳсулот чиқиндиларининг коллоид-кимёвий хоссаларини аниқлаш;

нефт қуйқасининг таркибидаги компонентларнинг таъсирини ва физик-кимёвий кўрсаткичларини исботлаш;

нефт қуйқаси асносида олинган боғловчининг композициясини коллоид ва триботехник хоссаларини аниқлаш;

олинган боғловчи композициясини совуққа ва иссиққа чидамлилиги ва триботехника хоссаларини аниқлаш;

нефт қуйқасидан асфальт йўллар асоси учун олинган боғловчи олиш технологиясини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида нефтни қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган нефт қуйқаси, йўл асоси учун нефт қуйқасидан олинган боғловчи, асфальт ва шағал тошлар танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** асфальт йўллари асоси учун нефт қуйқасидан олинадиган боғловчилар, боғловчи олишнинг технологик қурилмаси ва унда содир бўлаётган коллоид кимёвий қонуниятларни аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажариш мобайнида тажрибаларни режалаштириш, нефт қуйқаларидан олинган боғловчиларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш, ИҚ-спектр, Масс-спектр ва газохроматограмма усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

нефт дисперсион тизимларнинг тамойиллари нуқтаи назаридан боғловчи ишлаб чиқаришда хом-ашё сифатида нефт қуйқасидан оксидлаш йўли билан боғловчи олиш технологияси ишлаб чиқилган;

суяқ нефт қуйқалари таркибидан енгил фракцияларни ажратиб олиш ва қолдиқ массаларни оксидлаш орқали олинган боғловчининг кимёвий таркиби, юқори молекуляр парафинли бирикмалар миқдори 25-30%, ароматик конденсирланган бирикмалар 8-25%, ароматик нафтенлар 15-35%, смолали асфальтенлар миқдори 15-35% бўлиши исботланган;

яратилган боғловчининг таркибида 19,23% нормал доқасан, 17,75% н-геникосан, 15,03% н-икосан 13,09 % н-трикосан, 8,95% н-нонадекан, 5,03% н-октадэкан каби тўйинган органик углеводородлар борлиги исботланган;

нефт қуйқаси таркибида SO<sub>2</sub> гуруҳи борлиги ундаги олтингугурт (S) нинг миқдори 1,28% эканлиги, боғловчининг ейилишга чидамлилигини ошириши аниқланган;

нефт қуйқаларининг кинематик қовушқоқлиги ҳарорат ўзгариши интервали 60<sup>0</sup>-140<sup>0</sup> оралиғида 1,13 мартага камайиш, нефт қуйқасининг зичлиги 1,08 мартага пасайиши, механик қўшимчалар 5,24%, сув миқдори

28,3%, силикагель смолалар 25,9%, асфальтенлар 15,77%, 1,5% хлорли тузлар ташкил қилиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:**

асфальт йўл ва унинг асоси учун боғловчи олишда адгезицион хусусиятларини иқтисодий самародор маҳаллий нефт қуйқасидан боғловчи ишлаб чиқарилган;

нефт қуйқасидан йўлларнинг асоси учун боғловчи олишнинг технологик схемаси яратилган ва ундан фойдаланишнинг методикаси ишлаб чиқилган;

маҳаллий хомашёлар асосида, яъни нефт саноати чиқинди нефт қуйқасининг физик-кимёвий хоссалари асосида янги турдаги боғловчилар олиш технологияси яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** шундан иборатки, олинган маҳсулотни таҳлил қилишда замонавий физик-кимёвий усуллар ИҚ-спектрик, МАСС спектр таҳлилларида фойдаланган ва яратилган технология ишлаб чиқаришга қўлланилган ва натижалар ишончлилиги лаборатория ва тажриба саноат синовлари билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий хомашёлар ва нефтни қайта ишлаш саноатининг иккиламчи маҳсулотларидан юқори мустаҳкамликка эга бўлган боғловчиларни олиш усулларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ тадқиқот ишларининг натижалари илмий асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хомашёлар асосида сифатли, импорт ўрнини босадиган ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, янги боғловчиларни олиш ҳамда технологиясини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Нефт қуйқаларидан йўлларнинг асоси учун боғловчи олиш технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

нефт қуйқалари асосида йўлларнинг асоси учун олинган боғловчи “Бекободйўлсаноат” УК да амалиётга жорий қилинган (“Ўзбекнефтегаз” акционерлик жамиятининг 2019 йил 20 декабрдаги №03-17-1-5/241-сонли маълумотномаси). Натижада маҳаллий нефт қуйқа чиқиндилари асосида янги боғловчи материални ишлаб чиқариш самардорлиги 35% га ошиш имкониятини берган;

йўлларнинг асоси учун кон нефт қуйқасидан оксидланган боғловчи олишнинг технологик шартлари «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган (Ts 23766064-11:2019). Мазкур техник шарт маҳсулотнинг сифати ва технологик жараёни нозорат қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.



**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этириш учун тавсия этган илмий нашрларда 6 мақола, 3 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида ва битта монография нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 108 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги келтирилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш рўйхати келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Йўл асоси учун боғловчилар олишнинг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида, нефт қўқалари ва уларнинг таснифи, уларни қайта ишлашнинг замонавий усуллари, атроф муҳитга таъсири ҳақида дунё олимлари турли хил усулларда аниқлаганлар. Бундан ташқари бу бобда адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда нефтни сақлаш, ташиш ва қайта ишлаш соҳасида ҳосил бўладиган нефт қўқаларидан амалда фойдаланиш учун энергия ва ҳом ашё сарфини камайтиришга, янги технологик ечимларни ишлаб чиқишга катта аҳамият бериш зарурлиги намоён бўлди ва қўйдаги илмий-амалий вазифаларни бажариш лозимлигини кўрсатади. Кимё технологияси учун нефт қўқаларидан боғловчилар олишда ва улар асосида физикавий ва кимёвий модификация йўли билан олинган боғловчилар ўртасида борадиган тадқиқотлар амалга оширилиш ишларини солиштириб шарҳланган.

Нефт қўқалари олинган боғловчилар ва бошқа турли хил усулларда олинган боғловчиларнинг физик кимёвий хосслари ва ишлатилиш соҳалари таҳлили тўғрисидаги олиб борилган хорижий ва республикамиз олимларининг изланишлари ҳам шу бобдан ўрин эгаллаган.

Диссертациянинг «**Нефт қўқасини таркиби физик-кимёвий хоссалари ва реологик хусусиятларини ўрганиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида, нефт қўқаларининг физик кимёвий хоссаларини, қотиш ҳароратини, таркибидаги механик аралашмаларни, сув

микдорини, чакнаш ҳароратини олтингугурт микорини ва углеводород микдорларини тўғрисида батафсил ёритилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот натижаларининг таҳлили» деб номланган учинчи бобида нефт қуйқаларидан боғловчилар олишнинг технология таҳлили батафсил баён қилинган.

Нефт хом ашёси қазиб олиш, ташиш ва қайта ишлашда ишлаб чиқариш шароитида нефт қуйқалари ҳосил бўлади. Ҳар қандай нефт қуйқалари муайян табиий муҳит билан ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўлади ва муайян вақт ичида ушбу муҳит шароитлари билан шаклланади. Шу сабабли табиатда ҳар бир нефт қуйқаларининг таркибий ва физик-кимёвий хусусиятлари унинг шаклланиши билан узвий боғлиқ бўлади. Нефтни қазиб олиш жараёнида ҳосил бўладиган ва нефтни сақлашда ҳосил бўладиган қуйқалар таркиби ва хусусиятларидан жуда катта фарқ қилади ва қайта ишлаш учун энг мақбул ҳисобланади.

Бошқа турдаги нефт қуйқалари нефт маҳсулотларини ер юзига тўкилиши, технологик жараёнлардаги носозликлар ва тиндириш жараёни натижасида шаклланади. Нефт қуйқаларининг турларини ўрганиш натижаларидан аниқландики, нефт қуйқалари таркибида нефт маҳсулотининг сув ва механик аралашмалар (улардаги қум, гил, занг заррачалари ва бошқалар) билан аралашуви натижасида қуйқаларнинг турлари ва уларнинг таркиби кенг чегараларда ўзгариб туради. Углеводородлар 50-90% гача, сув 10-52% гача, ва механик қўшимчалар 28-65% гачани ташкил этади. Натижада нефт қуйқаларининг физик-кимёвий хусусиятлари ва таркибидаги углеводородлар микдори ҳам ўзгариб боради. Кўпинча янги ҳосил бўлган нефт қуйқаларининг таркиби омборларда сақланадиган нефт хусусиятга яқин маҳсулот ҳисобланади. Нефт қуйқаларининг бундай шаклланиши одатда ёқилғи қуйиш шахобчаларидаги бассейнларда пайдо бўлади.

Юқори қовушқоқли қуюқ ва ёпишқоқ (юқори қовушқоқ) товар шаклидаги нефт қуйқалари морфологик жиҳатдан сиқилган нефт углеводородларининг юқори молекуляр бирикмаларидан иборат. Товар шаклидаги олинган нефт қуйқалари намуналарининг углеводород гуруҳи тақриби ва физик кимёвий хусусиятларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги натижаларга эришиш мумкинлиги исботланди:

- товар шаклидаги олинган нефт қуйқалари ва уларнинг нефт намуналари нефт қудукларининг унумдорлиги ва характериға қараб, нефт конларида Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйлаб кенг тарқалган;

- умуман олганда Республикамизда 2,0-5,0 млн тонна савдо учун мўлжалланган нефт қуйқалари мавжуд.

Маълумки, турли хил нефт қуйқаларини чуқур қайта ишлаш кўп босқичли, мураккаб технологик жиҳозларни ва катта меҳнат талаб қиладиган жараён ҳисобланиб, катта энергия талаб қилувчи қўзғалмас конструкцияга эга катта габарит ўлчамли қурилмалар туркимиға киради.

Шу сабабдан янги технология асосида нефт қуйқаларидан асфалт йўллар учун боғловчилар олиш технологик жараёнини соддалаштириш, енгил ва

мураккаб бўлмаган конструкцияга эга нефт куйқаларидан боғловчи олиш технологиясини яратиш муҳим вазифа ҳисобланади.


Юқоридаги талабларга мос равишда асфалт йўллари қопламалари тайёрлашниш учун узлуксиз режимда ишловчи тажриба қурилмаси яратилди (1-расм). Ушбу қурилма инновацион технология ҳисобланиб, у қуйидаги технологик параметрларга эга:

Нефт куйқаларидан асфалт йўллари учун боғловчи олиш тажриба қурилмасининг ишлаш принципи қуйидагича. Маҳсус тайёрланган  $1 \text{ м}^3$  ҳажмга эга таг қисми бурчак остида ясалган идиш 1 га суқ нефт куйқалари қуйилади. Сўнгра газ қувури 18 орқали колонна 3 таг қисмига газ ёқилади ва бир вақтни ўзида ҳаво жўмраги 17 орқали оксидловчи ҳаво оқими (200 КПа) колонна қуйи қисмидан барботаж усулида берила бошлайди. Колоннадан чиқаётган иссиқ оқим қувур 23 орқали нефт куйқасини сақловчи идиш 1 орқали ўтиб, нефт куйқасини керакли ҳароратгача ( $60-70^\circ\text{C}$ ) қиздиради. Сўнгра жўмрак 2 аста секинлик билан очилиб,  $280-300^\circ\text{C}$  гача кўтарилган колонна колоннанинг пастки секциясига юборилади. Нефт куйқаси таркибидаги енгил учувчан фракциялар буғланиб, колонна юқорисига қараб ҳаракатланади ва 8 қувур орқали буғ фракциясини совитиш учун конденсатор 9 (конденсатордаги енгил фракциялар сув ёрдамида совитилади) орқали конденсацияланиб, конденсат йиғиш учун ўлчамли колба 13 га тушади. Ушбу ўлчамли колбада конденсацияланган фракцияларни буғланиш ҳарорати орқали аниқлаб фракцияларга ажратиш учун хизмат қилади. Ҳар бир фракция ўзининг фракцион таркиби бўйича алоҳида идишларга қуйиб олинади. Фракцияларни колоннадан чиқишдаги ҳарорати 16 термометрлар орқали белгилаб борилади. Колоннадаги босим 7 манометр орқали кузатиб турилади. Ортиқча босим чиқариш клапани 6 орқали атмосферага автоматик тарзда чиқиб туради. Нефт куйқаларига оксидловчи ҳаво бериш натижасида ҳосил бўлган ароматик углеводородларни сақловчи газлар 10 филтёр орқали тозаланиб 12 қувур орқали атмосферага чиқариб юборилади. Колонна ичига нефт куйқаси таркибидаги енгил фракцияларни ажратиш аниқлигини ошириш учун маҳсус тарелкалар 5 жойлаштирилган ҳайдалади. Боғловчи таркибида қолган механик қўшимчалар 21 қувур орқали 22 идишга йиғиб олинади. Колоннанинг куб қисмидаги қолдиқ масса (тайёр боғловчи) 19 жўмрак орқали 20 идишга йиғиб олинади. Олинган қолдиқ масса асфалт йўллари учун боғловчи сифатида ишлатиш мумкин.

Тажриба қурилмаси реакторда жараён узлукли ва узлуксиз тарзда амалга оширишилиши кўзда тутилган бўлиб, доимий равишда фракцияларга ажратиш ва оксидлаш жараёни амалга оширилади.

Нефт куйқасидан ажралиб чиқаётган фракциялар бир вақтнинг ўзида колонна юқори қисмидан чиқади ва шу билан бирга атмосфера ҳавосини хом ашёга юбориш орқали оксидланади. Оксидланиш жараёни  $300^\circ\text{C}$  да узлуксиз тарзда олиб борилади.

Нефт қазиб олувчи корхоналарининг энг муҳим вазифаларидан бири атроф-муҳитнинг ифлосланишини ва нефтни қайта ишлаш жараёнидаги йўқотишларни олдини олишдан иборат. Нефтни қазиб олиш, сақлаш ва қайта



**1-расм. Нефт қуйқасидан боғловчи олиш қурилмасининг технологик схемаси:** 1-хом ашё учун идиш; 2-хом ашёни сарфини ростлаш учун кран; 3-хайдаш колоннаси; 4-колоннанинг ўчоқ қисми, 5-тарелкалар, 6-ортиқчи босимни чиқариш учун клапан; 7-колоннадаги босимни ўлчаш учун манометр; 8-буғ фракциясини чиқариш қувури; 9-фракцияни совутиш учун конденсатор, 10-фильтр, 11-фильтрланган масса чиқиш жўмраги, 12-тозаланган газ чиқиш жойи, 13- совиган фракцияларни тўпланиш жойи, 14-фракцияни йиғиш учун идиш, 15-ўчоқни азбест қопламаси, 16-термометрлар, 17- оксидловчи ҳаво учун қувур, 18-газ қувури, 19-тайёр маҳсулот учун

кувур, 20- тайёр маҳсулот учун идиш, 21-ёнган газ тутунини чиқариш учун кувур, 22-нефт куйқаларини таркибидаги механик қўшимчаларни ажратиш кувури, 23-колоннанинг бетон асоси.

ишлаш жараёнларида ҳосил бўлган нефт куйқаларини қайта ишлаш долзарб вазифа бўлиб, катта амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ҳозирги кунга келиб нефт куйқалари боғловчи моддалар олиш борасида жуда кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда ва ҳар бир илмий амалий изланишлар асосини иқтисодий самародор бўлган технологиялар ишлаб чиқишни талаб қилади. Тадқиқот ишларимизда нефт куйқаларидан қўшимча моддалардан тозлар ва уларни саноатнинг керакли соҳаларига тадбиқ қилишдан иборат.

300<sup>0</sup>С ҳароратда эрима қолган аралаш углеводородлар ва азот тутган биринмалар аста секинлик билан йиғиб олинади. Яъни C<sub>15</sub> дан юқори бўлган углеродли бирикмалар нефт куйқаларини ташкил қилади. Ундан ташқари бу углеводородларда азотли ва олтингугурт ҳам мавжуд.

Нефт куйқаларидан олинган асфалт йўллари учун боғловчиларнинг кимёвий таркиби ҳақида маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

#### 1-жадвал

#### Нефт куйқаларидан олинган боғловчининг кимёвий таркиби

Углеводородларнинг гуруҳий таркибининг номланиши	Турли кўринишдаги нефтқуйқалар, % масс			
	Тупроққа аралашган нефт куйқалари	Табиий нефт куйқалари	Сиғим нефт куйқалари	Саноат нефт куйқалари
Юқори молекуляр парафинли	42-50	32-35	30-35	25-40
Ароматик конденсирланган	8-10	20-25	10-12	20-25
Ароматик нафтенлар	15-17	20-22	25-35	15-17
Смолали асфальтенлар	13-15	10-15	15-20	30-35

Жадвалда олинган натижалар шуни кўрсатадики, нефт куйқаларини таркибида; юқори молекуляр парафинли бирикмалар миқдори - 25÷50 %, ароматик конденсирланган бирикмалар - 8÷25 %, ароматик нафтенлар - 15÷35 %, смолали асфальтенлар миқдори эса - 13÷35 % гача бўлиши тажрибалар орқали аниқланди.

Нефт куйқаларини сувсизлантириш ва уни гомоген ҳолатида элементар таҳлил натижалари 2-жадвалда келтирилган.

**Нефт қуйқаларидан олинган боғловчиларнинг элементар таркиби**

Нефт қуйқаларининг турлари	Элементар таркиби, %да.				Механик аралашмалар (комплекс метал тузлари)
	С	Н	О	N	
Тупроққа аралашган нефт қуйқалари	78,0	6,9	3,5	2,7	5,0-8,0
Табиий кон нефт қуйқалари	82,0	7,2	2,0	1,2	3,5-4,0
Сиғим нефт қуйқалари	85,6	8,4	1,0	0,4	0,5-0,7
Саноат нефт қуйқалари	88,9	8,6	0,4	0,2	0,3-0,4

Жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, турли хил нефт қуйқаларидан олинган боғловчилар ўзининг элементар таркиби билан ажралиб туради. Углерод миқдори бўйича саноат нефт қуйқаларидан олинган боғловчиларнинг кўрсаткичи энг юқори ҳисобланиб, 88,9 % ташкил қилади, энг паст кўрсаткич эса тупроққа аралашган нефт қуйқаларидан олинган боғловчилар таркибида бўлиб, 78 % ташкил қилади. Таркибида водород сақловчи боғловчилар саноат нефт қуйқаларидан олинган боғловчилар ҳисобланади ва улар таркибида 8,6 % гача водород мавжудлиги аниқланди. Кислород элементи жихатидан тупроққа аралашган нефт қуйқаларидан олинган боғловчилар устунликка эга бўлиб, 3,5 % ни ташкил қилади. Меркаптан боғларнинг ва механик аралашмалар (комплекс метал тузлари) тутиши билан ҳам ушбу боғловчи юқори ҳисобланиб, мос равишда 5,5 ва 5,0-8,0 % ни ташкил этади .

Диссертациянинг «**Нефт қуйқасидан олинган боғловчини асфальт йўллар асоси учун ишлатиш ва тадбиқ қилиш**» деб номланган тўртинчи бобда нефт қуйқаларидан боғловчиларнинг инфрақизил ва масс спектрал таҳлилилари берилган.

Табиий нефтдан олинган нефт қуйқанинг ИҚ-спектори таҳлили ёрдамида  $2922\text{ см}^{-1}$  ва  $2853\text{ см}^{-1}$  даги кучли ютилиш чизиқлари ажралиб,  $\text{CH}_2$ -гуруҳига мувофиқ равишда симметрик ва антисимметрик тебранишлари билан кўрилди.


$1461\text{ см}^{-1}$ ,  $1376\text{ см}^{-1}$  ва  $749\text{ см}^{-1}$  чизиқларининг ютилиши  $\text{CH}_2$ -  $\text{CH}_2$  узун парафин занжирларининг тебранишига мансуб бўлиб,  $1467\text{ см}^{-1}$  метилен гуруҳининг тебранишига тааллуқли бўлиб,  $1461\text{ см}^{-1}$  бўлса унда метил гуруҳига тегишли эканлиги аниқланди.

ИҚ-спектори таҳлиliga қараб нафақат парафин, циклопарафин ва оғир мураккаб углеводородларининг фарқлабгина қолмай, балки ундан ҳам кам аҳамиятга эга бўлмаган асфальтен углеводородлар гуруҳини ҳам аниқлаш мумкин.

Юқорида келтирилган фарқланишларнинг асоси сифатида бициклик конденцияланган углеводородлар спекторларининг  $1040\text{ см}^{-1}$  чизикли ютилиши аниқланиб, композициянинг ИҚ-спекторида равшан кузатилаётган триплетнинг  $700\text{-}800\text{ см}^{-1}$  интенсив тарқалишига боғлиқлиги маълум бўлди.

Таркибида смолаларнинг мавжудлиги хусусиятларига кўра, конденцияланган бициклик ароматик углеводородларни спектрларини билдиради. Уларнинг орасидаги асосий фарқ шундан иборатки, смолаларнинг спектрларида  $\text{C}=\text{O}$  ва  $-\text{C}-\text{O}-\text{C}-$  гуруҳларнинг талабларига жавоб берувчи тебраниш чизикларининг ютилиши билан ифодаланди.

$1461\text{ см}^{-1}$  чизикларнинг ютилиш боғловчи таркибида сульфаторга тегишли бўлган  $\text{SO}_2$  гуруҳи борлигини кўрсатди. Нефт қуйқаси таркибида олтингугуртнинг мавжудлиги унинг фойдаланишда ейилишга чидамлилигини оширади.



**2-расм. “Муборак нефт ва газ” МЧЖда олинган нефт қуйқасининг таркибини моддаларнинг ИҚ-спектр таҳлили натижаси**

$1603\text{ см}^{-1}$  чизикларнинг ютилиши эса озроқ миқдорда ароматик ҳалқали тузилмаларнинг мавжудлигини, яъни бензол турига мансуб бирикмаларнинг мавжудлиги  $1703\text{ см}^{-1}$  чизикининг ютилиши билан ифодаланди.

Асфальт йўллар асоси учун оксидланган нефт қуйқасидан олинган боғловчининг ИҚ-спектр таҳлили графиги 4.5-расмда берилган.


$1463\text{ см}^{-1}$ ,  $1376\text{ см}^{-1}$  ва  $723\text{ см}^{-1}$  чизикларининг ютилиши  $\text{CH}_2-\text{CH}_2$  узун парафин занжирларининг тебранишига мансуб бўлиб,  $1463\text{ см}^{-1}$  метилен гуруҳининг тебранишига тааллуқли,  $1461\text{ см}^{-1}$  бўлса унда метил гуруҳига тегишлилиги аниқланди.

Ҳамда  $1463\text{ см}^{-1}$ ;  $1376\text{ см}^{-1}$ ; ва  $723\text{ см}^{-1}$  га тегишли тебранишлари  $-\text{CH}_2-$   $\text{CH}_3$  гуруҳига боғлиқ сульфоксидларга тегишли эканлиги аниқланган.

Юқорида келтирилган фарқланишларнинг асоси сифатида бициклик конденцияланган углеводородлар спекторларининг  $1032\text{ см}^{-1}$  чизиқли ютилиши аниқланиб, композициянинг ИҚ-спекторида равшан кузатилаётган триплетнинг  $600-800\text{ см}^{-1}$  интенсив тарқалишига боғлиқдир.

Таркибида смолаларнинг мавжудлиги хусусиятларига кўра, конденцияланган бициклик ароматик углеводородларни спектрларини эслатади. Уларнинг орасидаги асосий фарқ шундан иборатки, смолаларнинг спектрларида  $\text{C}=\text{O}$  ва  $-\text{C}-\text{O}-\text{C}-$  гуруҳларнинг талабларига жавоб берувчи тебраниш чизиқларининг ютилиши билан ифодаланди.

$1461\text{ см}^{-1}$  чизиқларнинг ютилиш сурков мойининг таркибида сульфатрога тегишли бўлган  $\text{SO}_2$  гуруҳи борлигини кўрсатади. Нефт қуйқаси таркибида олтингугуртнинг мавжудлиги унинг фойдаланишда ейилишга чидамлилигини оширади. Ҳамда турли сулфо-фосфорорганик бирикмаларининг чизиқлари ютилишини ифодалайди.



### 3 –расм. Асфальт йўллар асоси учун оксидланган нефт қуйқасидан олинган боғловчининг ИҚ-спектр таҳлили

$1697\text{ см}^{-1}$  чизиқларнинг ютилиши эса озроқ миқдорда ароматик ҳалқали тузилмаларнинг мавжудлигини, яъни бензол турига мансуб бирикмаларнинг мавжудлиги  $1603\text{ см}^{-1}$  чизиқининг ютилиши билан ифодаланади. Хулоса қилиб айтилганда карбонил гуруҳларига тегишли эканлигини ифодалайди.

3-жавдалда асфальт йўллар асоси учун оксидланган нефт қуйқасидан олинган боғловчининг ИҚ-спектр таҳлили тўлиқ таркиби келтирилган.

3-жадвал




**Асфальт йўллар асоси учун оксидланган “Муборак нефт ва газ” МЧЖда  
олинган нефт қуйқасидан олинган боғловчининг ИҚ-спектр таҳлили**

№	Тажрибадаги Тўлқин сони	Интезив- лик	гурух	Адабиётдаги тўлқин сони
1	430.85	85.87	C-S	
2	600,00	84.72	C-Br	600-700 (кучли)
3	723.25	62.83	C-P валент	800-700 (ўзгар.)
4	750.11	59.23	C-S валент	710-570 (кучсиз)
5	872.29	63.85	S-O валент	870-690 (перем.)
6	1032.98	66.56	C-O валент бирламчи спиртлар	1075-1000 (кучли)
7	1159.61	56.08	диалкил оддий эфирлар (-CH <sub>2</sub> -O-CH <sub>2</sub> -) ароматик (Ar-O-Ar)	1150-1060 (ўта кучли) 1270-1230 (ўта кучли)
8	1309.09	37.72	SO <sub>2</sub> валентные сульфоны (SO <sub>2</sub> )	1350-1300 (кучли) 1160-1140 (кучли)
9	1376.84	32.47	O-SO <sub>2</sub> -	1200-1145 (кучли) 1420-1330 (кучли)
10	1463.16	57.22	C-Hal валент C-F C-Cl C-Br C-I	1400-1000 (ўта кучли) 800-600 (кучли) 600-500 (кучли) 500 атроф. (кучли)
11	1601.66	58.39	туташ қўш боғ (C=C-C=C ёки C=C- C=O) Алкадиенлар ва енонлар бензол халқа (бир неча чизик)	1640-1600 (кучли) 1600 (перем.)  1580 (ўртача) 1500 (ўзгар.) 1450 (ўртача)
12	1697.39	27.59	C=C валент изолирланган қўш боғ алкенлар	1670-1620 (ўзгар.)
			C=N	1690-1630 (ўзгар.)
			C=S	1200-1050 (кучли)
			N=N	1630-1575 (ўзгар)
			N=O валент нитритлар (-O-N=O) (2 чизиклар)	1680-1610 (кучли)
			нитрозо (-C-N=O)	1600-1500 (кучли)
			нитрозамин (-N-N=O)	1500-1430 (кучли)
13	1716.65	26.20	C=O валент тўйнинмаган	1750-1700 (кучли)

			альдегидлар, кетонлар, карбон кислоталар, мураккаб эфирлар	
			$\alpha$ -аминокислотлар (COOH) аминокислотлар (COO- )	1755-1720 (кучли) 1600-1560 (кучли)
			Тўйинмаган ва ароматик углеводородлар	1705-1660 (кучли)
			амидлар (чизик амид I)	1700-1630 (кучли)
14	2728.13	27.46	О-Н боғланган Н-боғ карбон кислоталар	2700-2500 (кенг)
			S-H	2600-2550 (ўртача)
15	2845.93	28.86	O-CH <sub>3</sub>	2820-2810 (кучли)
			N-CH <sub>3</sub>	2820-2780 (кучли)
16	2921.28	27.62	алканлар Csp <sup>3</sup> -H деформацион	2975-2860 (кучли) 1470-1430 (ўртача) 1380-1370 (кучли)
17	3817.32	88.7	Смола асфалтенли бирикмалар	

ИҚ спектроскопия усулидан ташқари олинган асфальт йўли асоси учун боғловчи моддалар таркибини МАСС спектроскопия усулида ҳам аниқладик. Бунда нисбий интенсивлиги ва вақт кўрсаткичларидан олинган қийматлар боғловчи моддалар таркибидаги моддаларни таҳлил қилишимизга ёрдам берди (4-расм).



**4-расм. Асфальт йўллари асоси учун оксидланган нефт қуйқасидан олинган боғловчининг Масс-спектр таҳлили натижаси келтирилган**

1463 см<sup>-1</sup>, 1376 см<sup>-1</sup> ва 723 см<sup>-1</sup> чизикларининг ютилиши CH<sub>2</sub>-CH<sub>2</sub> узун парафин занжирларининг тебранишига мансуб бўлиб, 1463 см<sup>-1</sup> метилен гуруҳининг тебранишига тааллуқли, 1461 см<sup>-1</sup> бўлса унда метил гуруҳига тегишлилиги аниқланди.

Хамда 1463  $\text{см}^{-1}$ ; 1376  $\text{см}^{-1}$ ; ва 723  $\text{см}^{-1}$  га тегишли тебранишлари  $-\text{CH}_2-\text{CH}_3$  гуруҳига боғлиқ сульфоксидларга тегишли эканлиги аниқланган.

Юқорида келтирилган фарқланишларнинг асоси сифатида бициклик конденцияланган углеводородлар спекторларининг 1032  $\text{см}^{-1}$  чизиқли ютилиши аниқланиб, композициянинг ИҚ-спекторида равшан кузатилаётган триплетнинг 600-800  $\text{см}^{-1}$  интенсивлиги кўрилди.

Таркибида смолаларнинг мавжудлиги хусусиятларига кўра, конденцияланган тўйинган, тўйинмаган, ароматик ва бошқа углеводород ҳосилаларини МАСС-спектрларини кўрсатади.


14313  $\text{см}^{-1}$  дан 14333  $\text{см}^{-1}$  бўлган интенсивлик орасида бензол, о-ксилол, о-метилтолуол ва м-ксилол борлигидан далолат бермоқда. Бу эса циклик тузилган углеводородлар бўлганлиги учун таркибни барқарорлиги сақлашга ёрдам беради. Асфальт йўллар асоси учун оксидланган “Муборак нефт ва газ” МЧЖда олинган нефт қуйқасидан олинган боғловчининг МАСС-спектр таҳлили 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

**Асфальт йўллар асоси учун оксидланган “Муборак нефт ва газ”  
МЧЖда олинган нефт қуйқасидан олинган боғловчининг ИҚ-спектр  
таҳлили**

№	Вақти	Боғловчини ҳосил қилган моддалар миқдори, %	Боғловчини ҳосил қилган моддалар номи	олинган моддалар нисбий интенсивлиги
1	4,809	2,05	о-ксилен, 1,2-диметил бензол, о-диметилбензол, о-метилтолуол 1,3 диметил бензол, м-ксилен, м-диметилбензол м-ксилол	14313  14333
2	16,362	1,75	н-гексадекан н-кетан	257086
3	19,221	2,69	н-гептадекан	101148
4	22,050	5,03	Н-октадекан	337170
5	24,878	8,95	Н-нонадекан	377282
6	27,854	15,03	Н-икосан	416893
7	29,182	3,95	6-о-ацетил-1,3:2, 4:5,7-о-триметилен, бета-седогептитол Фенил 2,3,4,6-тетра-о-ацетил-бетта -d – глюкопюраноксид	128503  202034
8	31,180	17,75	Н-геникосан	455757
9	35,146	19,23	Н-докасан ( $\text{C}_{22}\text{H}_{46}$ )	706102
10	40,446	13,90	Н-трикосан	528802
11	52,282	9,68	Нафто(2,3-в) тиофен, 4,9-диметил-3,7-диметилбензотиофен дибензотиофен	68850 68844 68846

Бундан ташқари тўлқинлар сони  $101148 \text{ см}^{-1}$  дан  $706102 \text{ см}^{-1}$  гача етиши кузатилади. Бу тўлқин чизиқлари ва сони  $C_{10}$  дан  $C_{22}$  гача бўлган углеводородлар гуруҳи борлигини кўрсатади. Ўртача катталиқдаги углеводород гуруҳлари бўлганлиги учун боғловчиларни саноатда ишлатишда, уни суюқлантиришга кўп сарф харажат кетмайди. Боғловчилар ишлатишлиши вақтида  $60-70^\circ\text{C}$  да оқувчан ҳолатга ўтади.



**5- расм. Нефт қуйқасидан боғловчи олиш принципиал схемаси**

Ушбу приципиал схема асосида олинган боғловчи синондан ўтказилган.

Нефт қуйқаларини қайта ишлаш термо, кимёвий, биологик гуруҳларга бўлинади. Маълумотларга кўра, нефт қуйқалари чиқиндиларини кимёвий усуллар билан утилизация қилиш термал усуллар билан нейтраллаш орқали амалга ошириш иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда нефт қуйқаларини самарали қайта ишлаш технологик схемаси ишлаб чиқилди.

Нефт қуйқалари асосида йўл қоламалари учун боғловчилар олишга ички ва ташқи бозорда талабни ортиб бориши, уларни ишлаб чиқаришдаги муайян муаммоларни мавжудлиги, ҳом ашёнинг паст сифати, биринчи навбатда, юқори керосин ва фракцион таркибнинг беқарорлиги, ёғларнинг оғир қисмларини оксидланишлари ва оптималлаши кўрсаткичлари билан боғловчиларни олиш учун универсал технологик жараённинг етишмаслиги ва тўлиқ оптималлаштирилмаганлиги билан изоҳланади. Шундан келиб чиқиб, нефт қуйқалари асосида нефт хом ашёси ресурсларини тежайдиган йўл қоламаларини тайёрлаш хом ашё ресурсини тўлдириш учун керакли омиллардан бири ҳисобланади. Юқорида келтирилган омилларга асосланиб нефт қуйқасидан асфальт йўллари учун сифатли боғловчиларни маҳаллий шароитларида олиш мезонлари долзарб вазифа ҳисобланади.

Саноат нефт қуйқалари ва уларни сақлаш учун омборлар нефт қазиб олиш қудуқлари ва нефтни қайта ишлаш корхоналари теварагида катта

миқдордаги майдонларда йиғилиб қолган. Республикамиздаги бундай нефт омборларида 2,0-5,0 минг тоннагача саноат нефт қуйқалари тўпланган бўлиб, уларнинг сони 200 дан ортиқни ташкил қилади. Кўкдумалоқ нефт конлари атрофида бундай нефт қуйқаларининг умумий миқдори 1,5 минг тоннадан ортиқни ташкил қилиб, йилига 15 тонна шундай нефт қуйқалари йиғилади. Бундай нефт қуйқаларни йиғилиб қолиши экологик жиҳатдан ҳалокатли ҳисобланиб, уларни қайта ишлаш зарурияти пайдо бўлмоқда. Ушбу нефт қуйқаларидан асфаль йўллари учун боғловчиларни олиш экологик муаммоларни ечибгини қолмай иқтисодий жиҳатдан самара берувчи жараён ҳисобланади. Шу сабабдан саноат нефт қуйқаларни таркибий жиҳатдан таҳлил қилиш зарурияти пайдо бўлади.

## ХУЛОСАЛАР

Диссертацияси ишини бажаришда олинган асосий илмий ва амалий натижалари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Нефт қуйқаларининг кинематик қовушқоқлиги ҳарорат ўзгариш интервали  $50 \div 100$  °С оралиғида 1,13 мартага камайиши кузатилди. Юқоридаги ҳарорат интерваллари оралиғида нефт қуйқасининг зичлиги 1,08 мартага пасайиши аниқланди. Умумий олтингургут 1,28 %, механик қўшимчалар 5,24 %, сув миқдори 28,3 %, хлорли тузлар  $375 \text{ мг/дм}^3$ , селикагел смолалар 15,9 %, асфалтенлар 5,77 % ташкил этганлиги маълум бўлди.

2. Нефт қуйқасининг бошланғич қайнаш ҳарорати 190 °С дан бошланиб, фракцияларнинг чиқиш улуши 4,2 % га, 258 °С да 66,8 % га тенг. 250 °С дан 280 °С гача 84,6 % га тенглиги аниқланди. Тадқиқ қилинаётган нефт қуйқасининг фракцион таркибида 74,6 % гача енгил фракциялар мавжудлигини аниқланди.

3. Нефт қуйқаларининг таркиби ўрганилди ва уларни фракцияларга ажратиш ва боғловчи олиш тажриба ускунаси яратилди. Нефт қуйқалари таркибидан енгил фракцияларни ажратиб олиш ва қолдиқ массани оксидлаш орқали олинган боғловчиларни физик кимёвий хоссалари юқори молекуляр парафинли бирикмалар миқдори -  $25 \div 50$  %, ароматик конденсирланган бирикмалар -  $8 \div 25$  %, ароматик нафтенлар -  $15 \div 35$  %, смолали асфалтенлар миқдори эса -  $13 \div 35$  % гача бўлиши маълум эканлиги исботланди.

4. Нефт қуйқаларидан олинган боғловчиларнинг агрессив-механик ва элементар таркиби аниқланиб, углерод миқдори бўйича саноат нефт қуйқаларидан олинган боғловчиларнинг кўрсаткичи энг юқори, яъни 88,9 %, таркибида водород сақловчи боғловчилар ҳисобланиб таркибида 8,6 % гача водород мавжудлиги аниқланди. Кислород элементи жиҳатидан тупроққа аралашган нефт қуйқаларидан олинган боғловчилар устунликка эга бўлиб, 2,7 % ташкил этди.

5. Инфрақизил спекторларнинг таҳлили натижасида фракциядан фракцияга ютилишини кузатган ҳолда юқоридагиларнинг кимёвий таркибини ва хусусиятлари бўйича параллел ўзгариши (элементар ва тузилмавий-гуруҳ таркиби, функционал гуруҳлари ва ҳ.к.) кўриб чиқилди

ҳамда мойлаш материалларини ишлаб чиқариш жараёнидаги тузилмавий ўзгаришларга хулоса қилинди.

6. Асфальт йўл асоси учун боғловчи олишнинг янги усули илмий жиҳатдан асосланди ва уларни фойдали мақсадларда ишлатиш муаммолари ечилиши исботланди. Боғловчиларни олиш технологик схемаси яратилди. Моддий баланси ва тажриба қурилмасининг технологик кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди.

7. Нефт қуйқаларидан олинган боғловчиларни иқтисодий самарадорлиги ҳисоблаб топилди. Унга кўра 1 тонна боғловчи олишда одатдаги технология нисбатан 3542000 сўм кутилган иқтисодий самарадорликка эришиш мумкинлиги ҳисобланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ  
ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ**

---

**ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**ШУКУРУЛЛАЕВ БОТИР АМАНБОЕВИЧ**

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ СВЯЗУЮЩЕГО ДЛЯ ОСНОВАНИЯ  
ДОРОГ ИЗ НЕФТЕШЛАМА**

**02.00.11 - Коллоидная и мембранная химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2019.1.PhD/Т499 Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии.  
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного семинара ([www.ionx.uz](http://www.ionx.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz))

**Научный руководитель:**

**Юсупов Фарход Махкамович**  
доктор технических наук,  
профессор

**Официальные оппоненты:**

**Хамидов Босиғ Набиевич**  
доктор технических наук, профессор

**Исматов Дилмурод Нуруллаевич**  
доктор технических наук

**Ведущая организация:**

**Ферганский политехнический институт**

Защита состоится «13» марта 2020 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru)

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за № 1, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а). Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Автореферат диссертации разослан «2» марта 2020 года  
(реестр протокола рассылки № 1 от «2» марта 2020 года.



**Б.С.Закиров**

Председатель научного совета по присуждению  
ученой степени, д.х.н., проф.

**Д.С.Салиханова**

Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученой степени, д.т.н., проф.

**С.А.Абдурахимов**

Председатель Научного семинара при  
научном совете по присуждению  
ученой степени, д.т.н., проф.



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире из года в год растет спрос на получение экологически чистых и устойчивых связующих соединений для основания дорог из остаточных нефтепродуктов. Переработка нефтешламов важна для доведения их до необходимого уровня. Они широко используются в качестве связующих из-за их высокой вязкости и липкости. В связи с этим важно получить экономически эффективные связующие вещества из местных нефтешламов и применять их в практике.

На сегодняшний день существуют следующие научные решения для улучшения структуры и физико-химических свойств связующих для основы асфальтовых дорог: выбор местного сырья, пригодного для связующего, техническое и технологическое перевооружение предприятий и снижение энергозатрат; необходимо разработать технологические процессы получения качественных связующих, определить реологические свойства полученных связующих веществ на основе коллоидно-химических законов.

В Республике достигнуты научные и практические результаты разработки и применения технологии получения связующих с улучшенными коллоидно-химическими свойствами для асфальтовых дорог из местного нефтяного сырья и вторичных ресурсов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены главные задачи, направленные на «модернизацию и диверсификацию промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов»<sup>2</sup>. В связи с этим важное значение имеют научные исследования, связанные с получением новых связующих после переработки нефти и их использования в дорожном строительстве.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-2698 от 26 декабря 2016 года «О дальнейшем усилении локализации производства готовой продукции, комплектующих и материалов на 2017-2019 годы», № ПП-2915 от 21 апреля 2017 года «Государственный комитет Республики Узбекистан по экологии и охране окружающей среды об образовании, накоплении, хранении, транспортировке, переработке отходов», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

---

